

**3-ШЎЪБА. МИЛЛИЙ ИДЕНТЛИЛИК, ИЖТИМОЙЙ
ОНГ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
АКСИОЛОГИК МОҲИЯТИ**

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/018>

**ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ТЎЙ ВА
МАЪРАКА МАРОСИМЛАРИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ**

Юсупова Дилдора Дилшатовна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси доценти, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Маълумки, дафн ва маърака маросимлари ўзбек халқи турмуш тарзининг минг йиллик қадриятларини, урф-одат ҳамда маросимларини ўзида акс эттирган, маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Уларда халқимизнинг авлодлараро ворисийлик муносабатлари акс этади. Дафн ёки маърака маросими – “...марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, уларнинг хотирасини, арвоқларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир”[1, – Б. 308].

Бир сўз билан айтганда, дафн ва маърака маросимларимиз халқимиз маънавий қиёфасини акс эттирадиган ўзига хос кўзгу вазифасини ўтайди. Дафн, маърака, аза маросимларининг баҳсли

жиҳатлари халқимизнинг ўтиш даврларида, шунингдек ўз-ўзини англаш жараёнида даврий равишда XIX охири ва XX аср бошларида маданий ҳаётнинг мулоҳазага мойил феномени сифатида кун тартибига кўйилган. Чунончи, Хожи Муин тўй ва маъракаларимиздаги урф-одатларимиз борасида қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳар ернинг авом халқи ўзи ҳақиқат ва моҳиятини англамағон ҳолда динга нақадар эҳтиром кўзи ила қараса, эскидан қолғон русум ва одатларга ҳам шул нисбатда эҳтиром ва эътибор ила қарайдур. Ҳатто авом халқининг кўбиси диннинг амр ва наҳйлариндан юздан бирига амал қилмағон ҳолда, ота-боболаридан қолғон урф ва одатлардан четга чиқмаслик учун бор кучи ила тиришадир. Баногоҳ, бирор ишини урфга мувофиқ суратда қилолмаса, “ёру дўстларим орасинда беобрўй бўлдим”, деб қайғурадир ва ўзини нажотсиз санайдир” [2, – Б. 95-96].

Улуғ маърифатпарварларимизнинг асарларида ном қозониш учун сочилган бойликнинг уволи борлиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, Абдулла Авлоний бу ҳақда:

Бизнинг динда борми, айтинг, тўрт кун ош бермоғ-ў,
Бойни сийлаб, бечорани кўксига туртар-ўв.

Ҳақ дер, бизга ёрдам қил, деб нотавонлар-ў,
Очни кўюб, тўқға берсак Тангримиз безор-ўв [3, – Б. 144].

Хусусан, шу ҳақда Абдурауф Фитрат “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида: “Фалон, писмадон ва уларга ўхшаганлар шундай

тўй қилдилар. Мен ҳам улардан кам эмасман-ку. Мен ҳам уларга ўхшаб шундай ҳаражат қилишим керак” [4, – Б. 239] каби ким ўзарга ўйнаш ниятида ўтказиладиган тўйлар, ҳаттоки Пайғамбаримиз ҳам ўз умматларига таъқиқлаганлари ҳақида гапириб, қуйидаги ҳадисни келтиради:

Абу Хурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Набий алайҳиссалом дедилар: “Икки одам бир-бирларидан ўтиш учун тўй ва зиёфат қилсалар, биронтасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар” [4, – Б. 239].

Хожи Муин эса, бундай ҳолатларга сабаб Туркистон халқининг илмсизлиги дея изоҳлайди. Хусусан никоҳ тўйида икки салбий одатимиз борки, бири ахлоқан, иккинчиси иқтисодий жиҳатдан зарар келтиради. Келинни олов атрофида айлантириш мажусийликдан қолган одат бўлса, бир уй хотин-қизлар ётган уй ёнидаги хонада келин билан куёвнинг ётиши ахлоқсизликдир. Тўйнинг беш кун бўлиши, сарполарнинг кўплиги, ота-оналарнинг қарзга ботиб уй-жойларини, боғу-роғларини сотишлари молиявий путур етказиши таъкидланади ва: –“бизнинг фикримизча, хатна, никоҳ тўйлари билан аза маросимини ислоҳ этмак тевишдир” [2, – Б. 97],- дея эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Бизнинг мусулмончилигимиз, Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи – у пиёдами, машинадами ёки отликми – дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутади. Камида етти кадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танаймайдими, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади” [1, – Б. 350-351].

Азалий қадриятларимиздан бири саналмиш таъзия маросимларимиз ҳам шуҳратпарастлик, манманлик, исрофгарчилик ҳолатларидан мустасно эмас. Хусусан бу ҳақда, Хожи Муин “Ўлук ва таъзия маросими” мақоласида шундай дейди: “Ўлук ва таъзия тўғрисида ҳам ёмон урф ва русумларимиз кўбдир. Чунончи, қабр устинда халқга “йиртиш” бермак, кўлга таёқ олиб баланд товуш ила йиғламоқ, ўлукнинг акробаси бўлгон хотунларга аза тутмоқ учун кўк ва қора кийимликлар бермак, хотун-қизларнинг “гўянда” ва “садр” ила баланд йиғламоқлари, “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “йил” кунларинда халқга ош бермак. Мана ушбу беҳуда одатларнинг барчасини барҳам бермак керакдир” [2, – Б. 99].

Ёинки, Садриддин Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” ҳажвий қиссасида ҳам диний маросим саналмиш таъзияда марҳумнинг оила аъзолари томонидан “йиртиш” бериш борасидаги ҳолат, китобхонда кулгудан кўра ғазабни уйғотади. Жумладан, ушбу асарда келтирилган қуйидаги сатрларга эътибор қаратсак: “Бу саллам – йиртиш олувчи салла, ... буни бошимга ўраб мазорбошида, ўликларни кўмаётган чоғда

ҳозир бўлсам бошқа одамларга бир газдан йиртиш бераётган бўлсалар, менга икки газ берадилар” [5, – Б. 7].

Туркистон халқининг бир ёқлама фикрлаши “... алоҳида урф-одатларга боғланиб қолиш, маҳаллийчилик, қурби етмаган ҳолда диний-ақидавий расм-русумларни бажаришга интилиш каби хусусиятларни келтириб чиқарган” [6, – Б. 296].

Туркистоннинг таназзулга юз тутишига сабаб, ўша даврдаги илмсизлик, диний ақидапарастликдир деб баҳолаган жадиждлар ўз асар ва мақолаларида қиёсий таҳлил асосида ёритиб, унинг ечимларини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

Жумладан, жадиждчилик ҳаракатининг бонийси Маҳмудхўжа Беҳбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар” номли мақоласида: “Тўй ва таъзияга сарф қилинадурган ақчаларимизни биз туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупалилардек тараққий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар” [7, – Б. 192] деган умидни билдирган эди.

Юқорида номлари келтирилган жадиждларимизнинг асар ва мақолаларида тўй-маърака маросимларидаги муаммолар чуқур таҳлил этилганини кўришимиз мумкин. Қолаверса, орадан бир аср ўтиб, бу маросимлардаги одатлар деярли ўзгармагани ҳолда, уларга кетадиган ҳаражат айниқса, тўйларда маҳобатли тус олди. Замонавий даврда тўй-ҳашамлар, маъракалар ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамлар хол-аҳволини инобатга олмаслик, Ғарб удумларини тушуниб-

тушунмаган ҳолда тўйларимизга татбиқ этиш муқаддас динимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби асоратларга йўл қўйилаётганлиги аянчли албатта.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2002 йил 28 декабрда қайта ишланган “Тўй, маросим ва маракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида фатво”си ҳамда 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўшма Қарори чиққан бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз тўй ва маъракаларимизда исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда.

Тўй ва урф-одат маросимларига оид муносабатларнинг сиёсат даражасига чиққани ва унга оид даврма-давр ҳукумат томонидан турли қарор, фармойиш ва фармонларнинг чиқарилиши халқимизнинг ижтимоий-маиший ҳаётида ушбу анъаналарнинг етакчи ўрин тутиши билан бирга оилаларимизда иқтисодий турмуш тарзимизни ҳам мақсадга мувофиқ шакллантиришга қаратилганидандир.

Демак, тўй-маърака маросимларимизни соддалаштириш, қисқартириш, ихчамлаштириш, миллий анъана ва қадриятларимизга зид бўлган иллатлар, хунук одатларга барҳам бериш, биз учун жуда

муҳимдир. Чунки шу билан биз жамиятда соғлом муҳитнинг бузилишини олдини олган бўламиз. Бу эса, албатта келажак авлод учун ибрат мактаби бўлади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислон Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
2. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007.
3. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006.
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006.
5. Sadriddin Ayniy. Sudxo’rning o‘limi. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2016.
6. Шаҳноза Мадаева. Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Noshir, 2015.
7. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999.